
ЧАҚАЛОҚ САВДОСИ – ЖАМИЯТ КЕЛАЖАГИГА ТАҲДИД!

Ҳозирда жамиятимизда кўп учраётган жиноятлардан бири бу – “чақалоқларнинг савдоси” ҳисобланади. Бу ачинарли ҳолатдир. Инсон қандай қилиб тўққиз ой ўз танасида кўтариб дунёга келтирган фарзандини моддий маблағ илинжида сотиши мумкин? Ушбу қилмиш ҳуқуқ нуқтаи назаридан жиноят ҳисобланса, дин нуқтаи назаридан катта гуноҳдир.

Жиноятлар статистикасидан келиб чиқиб, кўпинча никоҳсиз дунёга келтирилган фарзандларини сотиш ҳолатлари ҳиссаси юқорилиги аниқланганлигини айтиб ўтиш ўринлидир.

Шунингдек, чақалоқ савдосининг кўпайиб бораётганига аксарият ҳолларда боланинг онаси ижтимоий ҳимояланмаганлиги, моддий кўмакка муҳтожлиги ёки турмуш қурмаган қизларнинг ҳомиладорлигини оиласидан яширишга уриниши сабаб бўлмоқда.

Бундан ташқари, аёл киши фарзанд кўрмаган оилаларда чақалоқни сотиб олишга эҳтиёжи борлиги ва бунинг натижасида юқори моддий манфаат топиш имкони мавжудлиги сабабли бу каби қабих ишга қўл уради.

Ушбу муаммо умумжаҳон миқёсида эътироф этилиб, кўпгина олимлар ва тадқиқотчилар томонидан чуқур ўрганилаётганлигига қарамасдан, бу борада ҳозирга қадар етарлича умумлашган маълумотлар тақдим этилмаган.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг “БМТнинг трансмиллий уюшган жиноятчиликка қарши конвенсияга одам савдоси ва айниқса, аёллар ва болалар савдосининг олдини олиш ва тақиқлаш ҳамда бундай хатти-ҳаракатларга нисбатан жазо қўллаш тўғрисида”ги қўшимча Баённома”сида “одамлар савдоси” тушунчаси ўзининг расмий изоҳига эга бўлди.

Юртимизда одам савдосига оид ноқонуний хатти-ҳаракатларга қарши тадбирлар, давлат ва жамоат органлари томонидан бажариладиган энг муҳим вазифалар йўлга қўйилган. Ўзбекистон инсонпарвар демократик давлат сифатида умумэтироф этилган халқаро норма ва қоидаларни ўз миллий ҳуқуқ тизимиغا кенг жорий қилиш йўлини тутади.

Хулоса ўрнида, бундай жиноятларнинг вақтида олди олинмаса, оғир оқибатларга олиб келиши мумкин.

Чақалоқ савдоси каби жиноятларнинг барвақт олди олиниши жамиятимиз келажаги учун муҳим қадамлардан бири ҳисобланади.

Риштон туманлараро иқтисодий суди раиси

У. Эргашев

2022-02-17 16:39:34